O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ХДП
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 12-avgust • Payshanba • 94 (31.214) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## Бағрикенглик ва меҳр-мурувват маскани

■ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, ёшларга безавол етказиш, жамиятимизда меҳр-оқибат, мурувват ва саховат, аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишдаги эзгу ишларда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги ҳамда Маҳалла кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Тошкент шаҳридаги илғор маҳалла, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари, оқсоқоллар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар таклиф этилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Н.Бахтиёров, Республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Г.Йўлчиева юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ушбу соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу эса долзарб масалаларни жойларда ўз вақтида ҳал этишда маҳалла тизимининг таъсири, ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида маҳаллалар фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, уларнинг самарали фаолият юритиши механизмлари ва ваколатларини кенгайтириш, ўзини ўзи бошқариш органларининг ёшларни аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйган ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга оид лойиҳаларни изчил давом эттиришга оид ибратли ишлар кўлами янада ортди. Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, касаначилик меҳнатини ривожлантириш, ёшлар, хотин-қизлар учун янги иш ўринларини барпо этиш, уларни иш билан таъминлаш, болалар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёлғиз қарияларни ижтимоий муҳофаза қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки тобора кучайиб бораётир.

Бугунги кунда юртимизда ўн мингдан ортиқ маҳалла мавжуд. Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига қизғин тайёргарлик давом этаётган шу кунларда ҳар бир маҳаллада истиқлол йилларида барча жабҳаларда эришилган ютуқларни, ижтимоий йўналтирилган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларга кенг ва атрофлича, ёрқин мисоллар ёрдамида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ этишга йўналтирилган маърифий тадбирлар, учрашувлар, жонли мулоқотлар ташкил этилмоқда. Ўтказилаётган турли кўрик-танловлар намунали маҳаллаларнинг ўзини ўзи бошқариш соҳасида тўплаган ижобий иш тажрибасини атрофлича ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш, ўзаро фикр алмашиш имконини бермоқда.

Тадбирда Маҳалла куни муносабати билан ўтказилган кўрик-танлов ғолибларига диплом ва совғалар топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

### ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан



## Коммунал хизмат кўрсатиш

*сифатини ошириш, соҳада инфратузилмани ривожлантириш масаласи депутатларимизнинг доимий эътиборида*

■ Партиямизнинг Сайловолди дастури ҳамда сайловолди мақсадларини бевосита амалга оширишга қаратилган Ҳаракат дастурида аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини янада яхшилаш масаласига алоҳида эътибор берилган. Бу борада партия ташкилотлари ва депутатлар вазифаси аниқ кўрсатилган. Айни пайтда мазкур дастур асосида жойларда турли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳи ташаббуси билан доимий комиссия аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, таърифларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик, соҳага оид муаммоларни бартараф этиш масалаларини муҳокама қилди.

— Мазкур масала аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар манфаатлари нуқтаи назаридан жуда муҳимдир, — дейди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Учқун Шойимқулов. — Шунинг учун ҳам бу масала бизнинг доимий эътиборимизда. Мен ўзим ҳам Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссия аъзосиман. Комиссиямиз йиғилишида шаҳримизда соҳанинг бугунги ҳолатига оид батафсил ахборот тингланди ва масала депутатларимиз томонидан яна бир бор чуқур ўрганилди. Айни пайтда депутатлар ҳамда тегишли соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи масалани халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқишга тайёрлаяпти. Шу билан бирга, соҳага замонавий технологияларни олиб кириш ва бу орқали ортиқча сарф-харажатларни камайтириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланиш технологияларини жорий этиш юзасидан ҳам таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Агар биз соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўша олсак, бу шубҳасиз, пойтахт аҳолиси турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Қалблар қувончга тўлсин!.. →2

Адвокат касб одоби →3

Сингапурдаги Олимпия ўйинларида ёшларимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладилар →4

*«Ўзбекистонга илк бор келишим. Юртингиз менга жуда ёқди. Тошкент, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида бўлиб, кўп асрлик тарихий обидалар, замонавий биноларни кўздан кечирдим, сўлим табиат масканларида бўлдим. Айниқса, одамларнинг самимийлиги, меҳмондўстлиги менинг ҳавасимни келтирди. Маҳаллалар фаолияти билан танишиб, бу институт ҳақиқатан ноёб эканига амин бўлдим. Фарзанд тарбиясидан то турмуш қуриш, ҳаётнинг аччиқ-чучуги каби масалаларгача маҳалланинг бевосита иштироки адолатли қарор қабул қилишга, инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.»*

**Аззолини РАУФ (Камбоджа)**




1991

***Ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ... иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўҳна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият қуриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим.***

2010

**«Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан**




## Фурсат ғаниматдир

Август — ҳосилга ҳосил қўшиш ойидир. Буни тўғри англаган пахтакорларимиз фурсатни бой бермай, шижоат билан меҳнат қилишмоқда. Ерни эъзозлаб, ардоқлаётган фермерлар, деҳқон хўжаликлари бугунги кунда ғўза парваришига эътиборни кучайтирмоқда. Шу боис уларнинг далаларида ҳосил тугунчалари кўпаймоқда.

Тан олиб айтиш лозимки, Президентимиз ташаббуси билан бошланган фермерчилик ҳаракати ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Биз ҳам Истиқлол шарофати билан Тўхта Эшимов номли фермер хўжалигини ташкил этгандик. Тасарруфимизда 140 гектар ер майдони бор. Бу йил ана шу ерларнинг 79 гектарига «Наманган-77» навли ғўза уруғини экиб, астойдил парваришлаяпмиз.

Баҳор эса пахтачилик учун яхши келди. Чигитни бир текис ундириб олдик. Агротехник юмушлар кўнгилдагидек амалга оширилди. Бугунгача ғўза қатор ораларига 7 марта ишлов берилиб, 5 марта суғорилди.

— Бир кечада ўртача 2-2,5 гектар майдонга сув берилмоқда, — дейди сувчи Бахтиёр Эшимов. — Айни кунда ҳар бир туп ғўзада ўртача 10-12 тадан кўсак бор. Хўжалигимиздаги ишчи-хизматчилар учун барча шароитлар яратилган. Ойлик маошни ўз вақтида олаяпмиз. Чилпиш ишлари авжида. Бир сўз билан айтганда, кузда юксак хирмон уюлиши муқаррар.

Ўтган хўжалик йилида 350 миллион сўм даромад олинган бўлса, жорий йилда 400 миллион сўмни мўлжаллаб турибмиз. Бунинг учун ғанимат фурсатлардан унумли фойдаланмоғимиз даркор. Шундагина кўзланган мақсадга эришилади.

**Тўхта ЭШИМОВ,**
**Шўрчи туманидаги Тўхта Эшимов номли фермер хўжалиги раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, ЎзХДП аъзоси.**

## Тараққиётнинг ойдин йўлида



→2

**ЎзХДП ҳаёти**

■ Ҳар биримиз учун азиз ва мукаррам бўлган бир неъмат бор. Бошқа ҳеч нарса унинг ўрнини боса олмайди...

ЎзХДП Учтепа туман кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасида юртимиз Мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган маънавий-маданий тадбирда бу ҳақда батафсил сўз юритилди.

**ОБ-ҲАВО 12-13.08.2010**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 37°C | 38°C |
| Самарқанд | 38°C | 39°C |
| Нукус | 37°C | 38°C |
| Қарши | 41°C | 41°C |
| Урганч | 37°C | 38°C |
| Навоий | 38°C | 39°C |
| Фарғона | 37°C | 38°C |
| Бухоро | 38°C | 39°C |
| Андижон | 37°C | 38°C |
| Наманган | 37°C | 38°C |
| Термиз | 42°C | 43°C |
| Жиззах | 37°C | 38°C |
| Сирдарё | 37°C | 38°C |
| Тошкент вил. | 37°C | 38°C |
| Лондон | 29°C | 28°C |
| Париж | 33°C | 31°C |
| Москва | 26°C | 27°C |
| Мадрид | 34°C | 33°C |
| Пекин | 28°C | 27°C |
| Гонгконг | 33°C | 32°C |
| Рим | 32°C | 33°C |
| Анқара | 32°C | 33°C |
| Токио | 28°C | 29°C |
| Стокгольм | 21°C | 23°C |
| Кейптаун | 28°C | 25°C |
| Қоҳира | 35°C | 31°C |
| Гавана | 41°C | 39°C |
| Вашингтон | 32°C | 31°C |

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 10 АВГУСТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1477,18 | 1 Миср фунти | 284,10 | 1 СДР | 2461,79 | 10 Жанубий Корея вони | 13,90 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2571,33 | 1 Канада доллари | 1567,22 | 1 Туркия лираси | 1079,81 | 10 Япония иенаси | 188,48 |
| 1 БАА дирҳами | 438,33 | 1 Хитой юани | 237,97 | 1 Швейцария франки | 1550,16 | 1 Россия рубли | 53,97 |
| 1 АҚШ доллари | 1610,00 | 1 Малайзия ринггити | 512,25 | 1 Евро | 2121,38 | 1 Украина гривнаси | 204,03 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# Тараққиётнинг ойдин йўлида

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Истиқлол йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, миллий маънавиятимизнинг қайта тиклангани, айни пайтда олдимизда турган муҳим вазифалар ҳақида фикрлар ўртага ташланди.

— Жамиятнинг онгли аъзоси эркинликнинг ҳаётимизда қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини яхши англайди, — деди муассаса бош шифокори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Элмира Боситхонова. — Инсон — олий қадрият. Барча саъй-ҳаракатларимиз унинг манфаатларига қаратилган. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳаси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тизим ходимлари малакаси, билими, энг муҳими, маънавий савиясини ошириш йўлида қилинаётган ишларни инсон манфаати, қадри учун, деб билиш мумкин.

Мустақиллик йилларида бой тарих ва меросимиз, азалий урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб, инсон шаъни, қадр-қиммати улуғланаётгани, айниқса, ёшларимизнинг маънан гўзал ва интеллектуал етук бўлиб етишишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани ҳам тадбирда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори бу йил юртимизда ўтаётган Мустақиллик байрами тадбирларининг бош шиори қилиб олинганидан ҳам англаш мумкинки, инсон саломатлиги, камолоти, турмуш фаровонлиги доимо давлатимиз эътиборидаги масала бўлиб келган, — деди Учтепа туман «Хуршид» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, партиямиз фаоли Дилором Юсупова. — Айтмоқчиманки, юртимиз тинчлиги ҳам бебаҳо неъмат. Уни асраб-авайлаш шу юрт фуқароси сифатида ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Шунингдек, партиямиз бошқа фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари сўз олиб, жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган Ўзбекистон ХДПнинг амалга оширилаётган ислоҳотлардаги иштироки ва қонунчилик жараёнидаги ташаббуслари ҳақидаги фикрларини баён этдилар. Сиёсий майдондаги фаоллигимизни янада ошириш зарурлигини таъкидладилар.

Тадбирда партия тизимида самарали меҳнат қилиб, унинг ғояларини аҳоли орасига тарғиб қилишда фидойилик кўрсатиб келаётган, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшаётган фаолларга шаҳар ҳамда туман партия кенгашларининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди. Тадбирнинг маданий қисмида Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова ҳамда хонанда Умар Маҳкамов дилрабо қўшиқлари билан даврага файз киритдилар. Тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева иштирок этди.

**Дилафрўз ЗАЙНИЕВА,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

## Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига



**Маълумки, охирги йилларда жаҳонда кучли молиявий инқироз ҳукм сурмоқда. Президентимиз томонидан иқтисодий ислоҳотларимизни қонуний жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган бир қатор тадбирлар амалга оширилганлиги, шу жумладан, ўз вақтида инқирозга қарши чоралар дастурининг қабул қилиниши ва самарали амалга оширилиши мамлакатимизда унинг таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда муҳим омил бўлди.**

# *Кредит муносабатлари такомиллаштирилмоқда*

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил якунлари ва 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида банк молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири бўлиб қолиши, банклар томонидан иқтисодиётга йўналтириладиган кредитлар ҳажмини янада ошириш лозимлиги, шу маънода, тижорат банкларнинг фаолиятини баҳолашда уларнинг кредит қўйилмалари салмоғининг ўсиши ва кредит операцияларини амалга оширишда ўз ички манбаларини қай даражада жалб этиши нуқтаи назаридан келиб чиқилиши лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Банклар томонидан кредит муносабатларини самарали ташкил қилишда мазкур муносабат иштирокчилари томонидан ўз мажбуриятларини лозим даражада таъминлаш механизми ишлаши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун мамлакатимиз қонунчилигида неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат каби мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш воситаларини қўллаш учун етарли даражада ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин амалиётда мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида гаров кўпроқ қўлланилмоқда. Чунки, гаров бошқа усулларга қараганда бир қатор афзалликларга эга. «Гаров тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонунлар ҳамда гаровга оид муносабатларни тартибга солувчи бир қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинганлиги ҳам бежиз эмас.

Масаланинг шу каби жиҳатларидан келиб чиқиб, ҳамда кредит муносабатларини янада такомиллаштириш мақсадида яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги ҳамда «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади.

Ҳукуматимиз томонидан қонунчилик ташаббуси билан киритилган мазкур қонун лойиҳасининг концепцияси чуқур ўйланган ва амалиётдаги муаммолар ҳар томонлама таҳлил қилинган ҳолда ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасининг концепцияси гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишни, шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим меъёрларини ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутувчи меъёрларни ўз ичига олган. Шунинг учун мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг шу йил 13 май куни бўлиб ўтган ялпи йиғилишида муҳокама қилинганда барча сиёсий партиялар фракциялари томонидан қўллаб-қувватланди ва депутатлар томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Қонун лойиҳасидаги асосий янгилик «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 51-моддасига гаровга олувчиларнинг талаблари гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан навбатсиз қондирилишини назарда тутувчи меъёрнинг киритилиши бўлди.

Амалдаги қонунчиликка кўра, агар мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида гаров қўлланилиб, кредит шартномаси тузилган бўлса, бунда қарздор томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда ундирув гаровга қўйилган мулкка қаратилади. **Лекин, амалдаги тартибга биноан ундирув гаровга қўйилган мулкка қаратилганда, мазкур мулк сотилгандан сўнг тушган суммадан гаровга қўювчи тўртинчи навбатда манфаатдор бўлар эди.** Яъни, биринчи навбатда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича талаблар; меҳнатга оид муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар; алиментлар ундириш бўйича талаблар; муаллифлик шартномалари бўйича ҳақларни тўлаш бўйича талаблар; ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблар; адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлаш бўйича талаблар қаноатлантирилса, иккинчи навбатда ижтимоий суғурта бўйича талаблар; жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблар, учинчи навбатда мажбурий суғурта органларининг талаблари ва тўртинчи навбатда кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари қаноатлантирилар эди. Ундан кейин эса, яъни бешинчи навбатда жисмоний ва юридик шахсларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари, олтинчи навбатда қолган барча талаблар қаноатлантирилиши кўзда тутилган эди.

Юқоридаги тартиб ўз-ўзидан кредиторларнинг гаров муносабатларидаги манфаатларини етарли даражада ҳимоя қила олмаётган эди. Чунки аксарият ҳолларда гаровга қўйилган мулк реализация қилинганидан кейин кредит муассасалари талаблари қондирилмасдан қолиб кетарди.

Бундан ташқари, қонунга қарздорнинг гаров билан таъминланмаган мол-мулки унга нисбатан қўйилган барча талабларни тўла қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ва ундирув унинг гаровга қўйилган мол-мулкига қаратилса, гаровга олувчиларга мол-мулк билан таъминланган мажбуриятни муддатидан олдин талаб қилиш ҳуқуқини беришни назарда тутувчи меъёрлар киритилмоқда.

Назарда тутилаётган иккинчи муҳим янгилик Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 19-моддаси ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддаси ўртасидаги жарима тариқасидаги жазони ихтиёрий ижро этиш муддатига тааллуқли номувофиқликларни бартараф этишга қаратилган. Жиноят-ижроия кодексининг 19-моддаси жарима тариқасидаги жазони ихтиёрий ижро этиш учун ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ойлик муддат, ўн саккиз ёшга тўлмаган жиноят содир этган шахслар учун ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб олти ойлик муддатни белгилайди. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасига мувофиқ ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш муддати ижро иши юритиш қўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан беш кунни ташкил этади. Қонун ҳужжатлари ўртасидаги бу номувофиқликни бартараф этиш мақсадида янги қонунда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасига тегишли ўзгартириш киритилди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳуқуқни бир хил тарзда қўллаш амалиётини беради. Жиноий жазоларнинг ижро тизимини янада либераллаштиради. Энг асосийси, жарима жазоси самарадорлигини оширади, маҳкумларга қўшимча имкониятлар яратади, шу билан бирга, жазолар ижроси муқаррарлигини таъминлайди.

Шунингдек, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 51-моддасига асосан қарздорнинг гаровга қўйилмаган мол-мулки унга нисбатан қўйилган барча талабларни тўла қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, ундирув унинг гаровга қўйилган мол-мулкига қаратилади. Лойиҳада суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилганда суд ижрочиси ижро иши юритиш қўзғатилган пайтдан эътиборан уч кунлик муддат ичида гаровга олинувчини бу ҳақда хабардор қилиш кўзда тутилган эди. Биз бу меъёрни мутахассислар билан маслаҳатлашиб ҳамда амалдаги қонунлар билан таққослаб, ўзгартирдик. Яъни, суд ижрочиси гаровдаги мулкни хатлагандан кейин уч кунлик муддат ичида хатлаш амалга оширилганлиги ҳақида гаровга олувчини огоҳлантириши таклиф этилди. Чунки, ижро иши юритиш қўзғатилган пайтда гаровда бўлган мулк тўғрисида ахборотга ижрочи ҳар доим ҳам эга бўлавермайди.

Бизга ҳукумат томонидан киритилган қонун лойиҳасида «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 80-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш кўзда тутилмаган эди. Ваҳоланки, мазкур қонуннинг 51-моддасига киритилаётган ўзгартиришларга биноан гаровга олувчиларнинг талаблари гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан навбатсиз қондирилиши назарда тутилмоқда. Гаровга қўйилган мол-мулкнинг қиймати гаровга олувчининг талабларини қондиришга етмаган тақдирда қолган талаблар «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 80-моддасида белгиланган тартибда ундирилиши тавсия этилмоқда. Лекин қонуннинг 80-моддасида *гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан ундирув тўғрисидаги* гаров билан таъминланган талабларнинг тўртинчи навбатда қаноатлантирилиши белгиланган бўлиб, киритилаётган ўзгартиришларга зид эди. Шу туфайли қўмитамиз томонидан бу меъёр ҳам ўзгартирилиб, бошқа таҳрирда берилди.

Қонун лойиҳаси палатамизнинг жорий йилнинг 29 июль кунги ялпи йиғилишида депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ва бир йўла қабул қилинди. Ҳозир қабул қилинган қонун сенаторларимиз муҳокамасига юборилди.

**Нурдинжон ИСМОИЛОВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси**
**Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ**
**масалалари қўмитаси раиси,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

## ЎзХДПда «Ёш сиёсатчи — 2010»

# Ғолиблар сараланди

**«Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» танловининг Бухоро вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Республикамизда 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни ривожлантириш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, бошқа меъёрий ҳужжатлар муҳокамасида иштирок этиш, мамлакатимизда кучли демократик давлат ҳамда фуқаролик жамияти барпо қилишга кўмаклашиш, жаҳондаги ривожланган демократик давлатларнинг ёшларга оид давлат сиёсати асосларини ўрганиш ва келажагимиз эгаларини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қолаверса, ёшларга оид қонунларни тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган бу танловда туман босқичида ғолиб бўлган вакиллар иштирок этди.

— Танловда биринчи марта иштирок этаяпман, — дейди вобкентлик Зуҳра Нарзиева. — «Истиқбол» ёшлар қаноти бу каби тадбирлар билан бирга, ёшлар ва депутатлар учрашувлари, очиқ мулоқотлар уюштиряпти. Бу эса ёшларимизнинг сиёсий билимлари ошишига, ҳуқуқ ва бурчларини яхшироқ ўрганишига ёрдам беради.

Танловда Олот тумани вакили Хосият Жўраева ғолиб бўлиб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

❖ ❖ ❖

*Сирдарёда бўлиб ўтган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг вилоят босқичи «Истиқбол»чи ёшларни саралади. Туман ва шаҳар кенгашлари шаънини ҳимоя қилаётган 10 нафар ёш сиёсатчи шартларни бажариш баробарида ўзларининг дунёқарашлари, билимдонликларини намойиш этишди.*

*Гулистон шаҳар партия кенгаши номидан иштирок этган Гулистон 1-академик лицейи 3-босқич талабаси Авазбек Ҳусанов барча шартлар бўйича билимдон эканини кўрсатиб, ғолиб бўлди. Иккинчи ўринни Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаси, янгиерлик Ваҳоб Абдураззоқ эгаллади. Партиямизнинг оқолтинлик ёш фаоли Дилфуза Холбекова учинчи ўринга муносиб кўрилди.*

*Ғолиблар Сирдарё вилоят партия кенгаши томонидан фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.*

**Моҳигул НАЗАРОВА, Жанглиш ҲАСАНОВА**

# *Қалблар қувончга тўлсин!..*

## Депутат ташаббуси

**Маълумки, жорий йилнинг март-апрель ойларида ЎзХДП минтақавий ва маҳаллий кенгашлари пленумлари бўлиб, партия ташкилотларининг Ҳаракат дастурлари тасдиқланган эди. Мазкур дастурда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг вазифалари белгиланган.**

Халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгаши депутати Бахтиёр Жўраев партиямиз Ҳаракат дастуридан ўз мақсад ва вазифаларидан, депутатлик ваколатидан келиб чиқиб, сайловчилари билан тез-тез учрашиб туради. Айниқса, уни ўзи сайланган ҳududдаги муаммолар, ижтимоий соҳа масалалари қизиқтиради. Бинобарин, Олмалиқ шаҳридаги «Лола» номли мактабгача таълим муассасасида ҳомийлар жалб этилиб, амалга оширилган хайрли ишлар депутат ташаббуси билан бўлди

— Муассасамиз 60 ўринга мўлжалланган, — дейди мудира Гулбаҳор Аҳмедова. Депутатимиз боғча ҳолатини ўрганиб, дарҳол ишга киришди. У кишининг саъй-ҳаракати билан бинонинг том қисми янгиланди. Шунингдек, бинонинг ташқи қисми, электр, иситиш тизими ҳамда болалар майдончасидаги жиҳозлар таъмирланди.

Бундан ташқари, муассаса ҳовлисида ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, янада файз кирди. Дарҳақиқат, кириб боришингиз билан боғча ўзгача тароват касб этганига амин бўласиз. Бу эса меҳнат жамоасининг ишга бўлган иштиёқини янада ошириб қолмай, болажонлар қалбини олам-олам шодлигу қувончга тўлдирмоқда. Ҳа, самимийликни, фидойиликни мана шу беғубор қалблар ҳам билади, ҳис қилади.

— Депутат изланиши, ўрганиши, таҳлил қилиши ва ташаббускор бўлиши лозим, — дейди Бахтиёр Жўраев. — Ана шунда ўз олдимиздаги мақсад ва вазифаларни уддалай оламиз.

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ**

# *Биз бир замин фарзандларимиз*

**Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Омбудсманнинг минтақавий вакили, Миришкор туман ҳокимлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими ҳамкорликда «Ўзбекистон — ягона Ватан» шиори остида «Биз бир замин ва бир замон фарзандларимиз» мавзуида тадбир ўтказилди.**

Унда партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, вилоятда фаолият олиб бораётган миллий-маданий марказлар раҳбарлари, маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон заминида турли маданият вакилларининг ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келаётгани халқимиз табиатига хос бўлган меҳр-оқибат ва тинчликсеварлик каби фазилатларни ўзида намоён этади, дейишди.

Дарҳақиқат, диёримизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари «Ўзбекистон — ягона уйим, мен унинг фуқаросиман», дея ифтихор туйғуси билан Ватан ободлиги йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Тадбир сўнггида вилоятда фаолият олиб бораётган миллий-маданий марказлар қошидаги бадиий гуруҳлар томонидан қўшиқ ва рақслар ижро этилди.

**Музаффар ТУРОПОВ.**

# ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ ТАРАННУМИ

**Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ юртимизнинг барча ҳудудларида ушбу улуғ айёмга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу борадаги тадбирлар халқимиз, айниқса, навқирон авлод қалбида она юрт тупроғини кўзга тўтиё қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Мазкур қарорга биноан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Бадиий академия ҳамкорлигида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танлови эълон қилинган эди.

Танловдан мақсад ёзувчи ва шоирларимизни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» эзгу ғоясини ўзида мужассам этган, Ватанимизнинг ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани, истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туғдириб бераётгани, ҳар бир юртдошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этишининг, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётгани чуқур очиб берилган асарлар яратишга чорлашдан иборатдир.

«Энг улуғ, энг азиз» Республика танлови ҳайъатининг йиғилишида танловнинг вилоят босқичлари кўтаринки руҳда ўтказилиб, унда 1600 дан зиёд ижодкор олти мингга яқин асари билан иштирок этгани ва 160 дан зиёд ижодкор турли номинациялар бўйича ғолиб ва совриндор деб топилгани қайд этилди. Ижодий беллашувнинг мамлакат босқичига уч юздан зиёд муаллифнинг икки мингдан ортиқ асари тақдим этилган.

*Ушбу материалларда халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётгани, бой тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётгани, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижобий самаралари, ёшларимизнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний камол топаётгани таъсирчан ифодаланган.*

Йиғилишда «Энг улуғ, энг азиз» Республика танловининг якуний босқичини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

**(ЎзА)**

Ҳуқуқий ислоҳот

# АДВОКАТНИНГ КАСБ ОДОБИ

*қоидаларига риоя этиши, унинг жамиятдаги нуфузи ортишининг асосий омилидир, — дейди Республика Адвокатлар палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Миробид Мирсоатов.*

**— Маълумки, Президентимизнинг «Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан кейин бу тизимда жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бу даражадаги эътибор адвокатуранинг жамиятдаги мавқеини, адвокатнинг халқ ўртасидаги обрўсини ошириш билан бирга, унга катта масъулият ҳам юклайди. Шундай эмасми?**

— Албатта. Юртбошимизнинг Фармони ва шу асосда амалга оширилган ташкилий тадбирлар, қатор Қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, табиийки, адвокатга фаолияти учун имкониятлар яратиш билан бирга, ҳуқуқий мақомини ҳам бир неча даража юқорига кўтариб қўйди. Хусусан, 2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга асосан Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ҳаммаси адвокатнинг мустақил ва эркин фаолият олиб боришини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Хусусан, биргина ***«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси 3-қисми янги таҳририга эътибор беринг:*** *«Адвокатлик фаолиятини амалга оширишда бирон-бир махсус рухсатнома (ордер ва адвокат гувоҳномасидан ташқари) талаб қилиш ёки бошқа тўсиқлар вужудга келтириш ман этилади».*

Бу, бундан буён адвокат ҳимояси остидаги шахс билан учрашиб суҳбатлашиш учун илгаригидек терговчидан ёки судьядан рухсатнома — хат олиб, кейин суҳбатлашиш ҳолатига барҳам берилди, деганидир. Яъни, адвокат муайян шахсни ҳимояси остига олгани тўғрисидаги ордерни ва адвокатлик гувоҳномасини тақдим этиб, ҳимояси остидаги гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум билан у ушлаб турилган хонадами, вақтинча ушлаш ҳибсхонасидами, тергов ҳибсхонасидами, жазони ўташ муассасасидами, хоҳлаган вақтда хоҳлаганча муддат учрашиб суҳбатлашиши мумкин. Шунингдек, илгари адвокат маълум ишларга аниқлик киритиш ёки ҳужжат тўплаш учун турли идора ва ташкилотларга юборадиган сўровномаси жавобсиз қолиб кетиш ҳоллари бўларди. Энди бунга ҳам чек қўйилди ҳисоб. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тўлдирилган янги 197-1-моддаси «Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш» деб номланиб, мазмуни шундай: *«Адвокат сўровига жавоб тақдим этмасликда ифодаланган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек, адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашга эришиш мақсадида адвокатга қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш — энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».*

Бу қонун кучга кирганидан буён, адвокат сўровномасини эътиборсиз қолдириш фактлари кескин камайди, тергов-суд идораларида баъзан учрайдиган беписанд муомала ўрнини ҳушёр муносабат эгаллаб боряпти. Буларнинг бари, судлов тизимида давлат айбловчиси билан ҳимоячи-адвокатнинг мақоми-ҳуқуқи тенглашишига олиб келди.

**— Адвокатлик фаолиятида адвокатнинг касб одоби муҳим аҳамиятга эга. Шундай эмасми?**

— Дарҳақиқат, ҳар бир адвокатга «Сенинг эркин ва мустақил адвокатлик фаолиятингга шунча қонуний имкониятлар яратиб берилдими, демак, сен ҳам шунга яраша юксак билим ва намунали ахлоқ-одоб билан хизмат қилишинг, масъулиятни чуқур ҳис этишинг лозим», деган қатъий талаб қўйишга ҳақлимиз.

Адвокатлар палатасининг 2008 йил 12 сентябрдаги Таъсис конференциясида «Ўзбекистон Республикаси адвокатларининг касб этикаси қоидалари» қабул қилинган. У «Адвокатнинг касбий нуфузи ва шахсий қадр-қиммати», «Адвокатларнинг ўзаро муносабатлари», «Адвокатнинг ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан муносабатлари», «Адвокатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, бошқа давлат, жамоат ташкилотлари ва ўзга ташкилотлар билан муносабатлари» каби жами етти бобдан иборат бўлиб, унда адвокатнинг юриш-туриши, ахлоқ-одоби, муомаласидан тортиб қандай кийинишигача бўлган тартиб-қоидалар қамраб олинган. Хусусан, «Умумий қоидалар»нинг 1.5 бандида шундай дейилади: *«Адвокат касбининг нуфузи унинг ўзига нисбатан масъулият билан муносабатда бўлиши орқали юзага келади, бу ҳол жамиятнинг унга нисбатан тегишлича муносабатини белгилаб беради».*

**— Ўзингиз раҳбарлик қилаётган бошқармада адвокатнинг касб этикаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, малака-маҳоратини ошириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Пойтахтимизнинг ҳар бир туманидаги адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва бюроларида жами 1300 нафардан ортиқ адвокат меҳнат қилади. Бу эса республикамиздаги жами адвокатларнинг қарийб ярми дегани. Ҳар ойда бошқармамизнинг адвокатлар томонидан қонунчиликка ва касб этикаси қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўлимига 30-40 та ариза-шикоятлар келиб тушади. Агар адвокатнинг ҳақиқатан айбдорлиги исботланса, материал тайёрланиб, бошқарма ҳузуридаги Малака комиссиясига юборилади ва улар кўриб чиқиб, айбнинг характерига қараб, огоҳлантириш, лицензияни амал қилиш муддатини ярим йилга тўхтатиш, лицензиянинг амал қилиш муддатини тугатиш каби интизомий жазо чораларини белгилайди. Ҳар ойда ўртача 4-5 нафар адвокатга нисбатан бундай жазо қўлланилади.

**— Янги тузилмада ташкилий тадбирлар қандай олиб борилмоқда?**

— Маълумки, юқорида таъкидлаганимиздек, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида 2008 йил Республика Адвокатлар палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда унинг ҳудудий бошқармалари тузилди. Янги тузилма бўлгач, янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиляпти. Уларни жойларга етказиш, ҳаётга татбиқ этиш лозим. Адлия вазирлигининг 2009 йил 10 октябрдаги «Адвокатлар касбий малакасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғига асосан, ҳар бир адвокат 3 йилда бир марта малака ошириши шарт. Ҳар ойда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида 20 нафар адвокат ўз малакасини ошираяпти.

**— Илгари адвокатликка лицензия олиш учун Адлия бошқармасида имтиҳон топширилар эди. Ҳозир бу вазифа ҳудудий бошқармага юклатилган.**

— Ҳа. Ҳар ойда бошқарма ҳудудидаги Малака комиссиясида 15-20 нафар адвокатликка талабгор имтиҳон топшираяпти. Имтиҳондан ўтган талабгорлар Тошкент шаҳар адлия бошқармасига малака имтиҳонидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат топшириб, 3 ой ичида лицензия олади ва ҳудудий бошқармага келиб, адвокат қасамёдини қабул қилади. Бу ҳақда қарордан нусха олгач, уч ой мобайнида талабгор ўзи якка тартибда ёки лицензияга эга бўлган бошқа шахслар билан бирга, адвокатлик тузилмасини тузиши ёки фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмаларидан бирига ишга кириши шарт. Ишга кирган ёки ўзи адвокатлик тузилмаси ташкил этиб рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан Тошкент шаҳар Адлия бошқармасига мурожаат қилади ва уч кун ичида адвокатлик гувоҳномасини олади.

**Алишер АҲМЕДОВ**
**суҳбатлашди.**

Хорижда

## Дипломатик алоқалар

### қайта тикланади

Бразилия президенти Инасио Лула да Силва берган маълумотларга асосланиб «France Presse» АА хабар тарқатишича, Колумбия ва Венесуэла ўртасида яқинда узилган дипломатик алоқалар қайта тикланади.



Маълумки, жорий йилнинг 22 июлида Америка давлатлари ташкилотининг Вашингтонда бўлиб ўтган навбатдан ташқари йиғилишида Колумбия вакили мамлакатнинг «Колумбия инқилобчи қуролли кучлари» ва «Миллий озодлик армияси» қўзғолончи ташкилотлари аъзолари қўшни Венесуэла чегарасидаги чангалзорларда яшириниб ётганлигини маълум қилиб, Венесуэла маъмуриятини уларга бошпана берганликда айблаган эди. Венесуэла президенти Уго Чавес эса бу айбловни рад этиб, Колумбияни туҳмат қилаётганликда айблади ва бу туҳмат учун Колумбия билан дипломатик алоқаларни узишини билдирди. Аниқроғи, Колумбиянинг Венесуэладаги элчисига мамлакатдан чиқиб кетиши учун 72 соат муҳлат берди.

Колумбиянинг янги президенти Хуан Мануэл Сантос (у 7 август куни президентлик вазифасини бажаришга киришди) куни кеча қўшни Венесуэла билан ҳамкор алоқада яшаш тарафдори эканлигини билдирди. Бунга жавобан Венесуэла президенти ҳам бундай ҳамкор алоқалардан манфаатдор эканлигини баён этди.

## Полицияда хизмат қилиш учун

### бўйдор бўлиш шарт эмас

Шу пайтгача Франция полициясига хизматга кирувчилар учун бир қанча қатъий талаблар амалда қўлланиларди. Улардан бири бўйдорлик масаласи бўлиб, полиция хизматига кирувчиларнинг бўйи 160 сантиметрдан паст бўлмаслиги шарт эди.



Куни кеча Франция Меҳнат, бирдамлик ва давлат хизмати вазирлиги полициячилар учун амалда бўлган бир қанча чекловларни бекор қилди. Унга кўра, дейилади ҳукуматнинг расмий ахборотномасида, эндиликда 160 сантиметрдан паст бўйликлар ва белгиланган вазндан енгилроқлар ҳамда оғирроқлар ҳам полиция хизматига ишга олиниши мумкин.





*«Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки*

***барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги билан самимий муборакбод этади!***

***Истиқлол йўлларимизни нурафшон, дилларимизни мунаввар этгани, Ватанимизга озодлик, халқимизга фаровонлик ато қилгани абадий бўлсин!***

**Шодиёна муносабати билан «Агробанк» қуйидаги банк хизмати турларини таклиф этади:**

- Пластик карточка — **замонавий ва ишончли тўлов воситаси!**
- Visa Card — **дунё бўйлаб молиявий эркинлик!**
- Пул ўтказмалари — **тез, оддий ва ишончли!**
- Депозит катакчалар — **қимматли бойликларингизнинг кафолатли сақланиши!**
- Пул омонатлар — **даромадингизни кўпайтиришнинг ишончли усули!**



***«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчилик йўлларининг молиявий таянчи!***

**Хизматлар лицензияланган**



ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

**«TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»**

***ОБЪЯВЛЯЕТ ОТКРЫТЫЙ ТЕНДЕР***

ПО ПРИОБРЕТЕНИЮ СПЕЦИАЛЬНОЙ ОРГТЕХНИКИ СИСТЕМЫ АВТОМАТИЗИРОВАННОГО КОНТРОЛЯ ПОСАДКИ ПАССАЖИРОВ DCS.




*Сроки проведения тендера — с 15 августа по 15 сентября 2010 г.*

*Заявки на документацию (техническую и коммерческую часть) по тендеру будут приниматься по 31 августа 2010 г. (до 17.00, время ташкентское).*

*Прием тендерных предложений — по 15 сентября 2010 г. включительно (до 17.00, время ташкентское).*

*Организации и предприятия, желающие предложить свои услуги, а так же для получения инструкций и полного перечня оборудования, просим обращаться по адресу:*

**100167, г.Ташкент, ул.С.Толипова, ГУП «Toshkent Xalqapo Aeroporti», Аэровокзальный комплекс. Контактное лицо — Пикалов Александр Александрович.**

Тел: +998711402840, e-mail: alexandr.pikalov @ uzairways.com



**Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ

*2010 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича*

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС сиз | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Самарқанд вилояти, Пайариқ туманида 1-ФҲДЁ бўлими қурилиши | 383 125 118 сўм | 319 270 932 сўм | 3 ой |

**Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи**: Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси

**Манзили**: Самарқанд шаҳри, Б.Мирзо кўчаси, 12-уй, телефон: (8-366) 233-13-59.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келиши керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус -2Д, 403-хона**

**Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 85000 сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00 да** ўтказилади.

